

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВА ШОХСАНАМ СОБИР ҚИЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН НУЛЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

УДК: 336.741.24(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ширинова Шохсанам Собир кизи

Ўзбекистонда электрон пулларни ривожлантириш истиқболлари.....3

Ширинова Шохсанам Собир кизи

Перспективы развития электронных денег в Узбекистане.....29

Shirinova Shokhsanam Sobir kizi

Prospects for the development of electronic money in Uzbekistan.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВА ШОХСАНАМ СОБИР ҚИЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН НУЛЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1710-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аганиязов Жасурбек Хамидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилов Алишер Агзамович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» 04 куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «28» 03 даги 20 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабасв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда 75 триллион долларгача муомаладаги пул массаси мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг атиги 4,5 триллион доллари мамлакатларнинг давлат молия институтлари томонидан чиқарилган нақд пулдир. Қолганлари нақд бўлмаган пуллар ёки электрон пуллардир. Иқтисодчилар пул массаси каби тушунчадан мамлакат ва дунёдаги умумий пул миқдорини ўлчаш учун фойдаланадилар. Одамларнинг эҳтиёжлари ортиб бораётгани, иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва илмий-техникавий тараққиёт шароитида харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам эҳтиёжларини қондира оладиган тез ва самарали тўлов тизимига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Шу боис электрон пул ва электрон тўлов тизимларини ташкилий-услубий жиҳатларини ривожлантириш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда электрон пуллар феномени ва уларнинг ишлаш тамойилини очиқ бериш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, электрон тўлов тизимларини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Афсуски, унинг янгилиги туфайли ушбу категория маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотларда тўлиқ очиқ берилмаган ва ўрганилмаган ҳамда ўрганилаётган пул муомаласи категориясининг рухсат этилган фаолият чегараси доираси бўйича батафсил маълумотлар оммавий равишда мавжуд эмас. Шу муносабат билан ушбу концепцияни аниқлаш, электрон пулларнинг хусусиятлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятларини аниқлаштириш зарурати тугилди ва электрон пул билан боғлиқ муносабатларни давлат ва нодавлат тартибга солиш тизимини яратиш вазифаси пайдо бўлди. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг тўлов ва ҳисоб-китоб тизимлари кўмитаси маълумотларига кўра, 2019-2021 йилларда етакчи ўнта хорижий мамлакатларда электрон пуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўлов операциялари сони қарийб икки барабар кўпайган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда электрон пуллар муомаласи амалиёти сезиларли даражада ўсган. Мамлакатимизда электрон пуллар тизимини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шундай қилиб, барқарор тараққиёт учун рақамли ва ахборот саводхонлигини чуқур ўрганиш лозим, бу эса бизга глобал ривожланишни амалга ошириш учун энг қисқа йўлни танлаш имконини беради. «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Шу боис, рақамли иқтисодиётга ўтиш – келгуси беш йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади».¹ Мазкур вазифалар бажарилишини

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

таъминлашда жорий активлар ҳисобини халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш, назорат ва таҳлилнинг услубиётини ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 апрелда 3231-сон билан рўйхатдан ўтган² Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 ноябрдаги «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электрон пул муомаласи, электрон тўлов тизимларини ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий масалалари хорижий олимлардан: Э.Соломон, К.Кабенгеле, Бретт Ф.Вудс, Е.Д.Ли, Ф.Хайек, Х.Фуджики, К.Плэтхансен, В.В.Пшеничников, Р.Мейс, В.Ю.Катасонов, П.Э.Самуэльсон, А.А.Арямов, Ю.В.Грачева, С.В.Маликов³ларнинг асарларида чуқур ўрганилган.

² Постановление правления Центрального банка Республики Узбекистан от 15 февраля 2020 года №3/13 «Об утверждении Правил выпуска и обращения электронных денег на территории Республики Узбекистан».

³ Э.Соломон. Electronic Money Flows: The Molding of a New Financial Order 1991; К.Кабенгеле Institutional and firm-level factors for mobile money adoption in emerging markets—A configurationally analysis // Technological Forecasting and Social Change Volume 171, October 2021, 120934//<https://doi.org.1016/j.techfore.2021.120934>; Бретт Ф. Вудс E-Money: Financial Management in the Electronic Age 2007; Д.Ли Handbook of Digital Currency: Bitcoin, Innovation, Financial Instruments, and Big Data 1st Edition 2015; Ф.Хайек Individualism and Economic Order//1994; Х.Фуджики Currency demand, new technology, and the adoption of electronic money: Micro evidence from Japan// Economics Letters Volume 125, Issue 1, October 2014, Pages 5-8 // <https://doi.org/10.1016/j.econlet.2014.07.032>; К.Плэтхансен More data for the money: Improvements in design and cost efficiency of electronic monitoring in the Danish cod catch quota management trial// Fisheries Research Volume 215, July 2019, Pages 114-122 <https://doi.org/10.1016/j.fishres.2019.03.009>; В.В.Пшеничников Эволюция форм и видов денег: от раковин каури до криптовалют: монография / В. В. Пшеничников ; Министерство сельского хозяйства Российской Федерации, Воронежский государственный аграрный университет имени императора Петра I. - Воронеж : Воронежский ГАУ, 2019. - 175 с.: ил. - Библиогр.: с. 163-172 (95 назв.). - ISBN 978-5-7267-1045-7; Р.Мейс, Метаморфозы денег / Р.Мейс. - М.: КМК, 1997. - 59 с. - ISBN 5-87317-040-1; В.Ю.Катасонов Мир под гипнозом цифры, или Дорога в электронный концлагерь / В. Ю. Катасонов. - Москва: Б-ка РЭО им. С. Ф. Шарипова, 2018. - 419 с.: ил. - (Анатомия современного капитализма); Самуэльсон, П.Э. Экономика / П.Э. Самуэльсон, В. Д. Нордхаус; [перевод с английского О. Л. Пелявского]. - [19-е изд., испр. и доп.]. - Москва; Санкт-

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Фулломов, Ш.З.Абдуллаева, А.В.Ваҳобов, Н.Х.Жумаев, У.А.Бурхонов, Б.А.Бегалов, Б.С.Ахроров, Р.Х.Аюпов, И.Е.Жуковская, Ж.Х.Атаниязов, А.А.Исмаилов ва бошқалар электрон пуллар фаолиятининг назарий масалаларини тадқиқ этган ҳамда улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий фикрларни илгари сурган⁴.

Тадқиқотларда электрон тўлов тизимларининг ишлаши, тижорат банкларининг масофавий хизматларида электрон ҳамёнларни жорий этиш жиҳатлари тўлиқ талкин қилинмаган. Бу ўз навбатида, ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва бухгалтерия тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий тўлов тизими нуқтаи назаридан электрон тўлов тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш учун уларни барқарорлаштириш ва мониторинг қилишнинг самарали механизмларини жорий этишга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

электрон тўлов воситаларининг иқтисодий моҳиятини ва аҳамиятини татбиқ этиш;

марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган электрон пулларни батафсил кўриб чиқиш учун электрон пуллар, электрон ҳамёнлар, шунингдек, бутун дунё бўйлаб ишлайдиган электрон тўлов тизимини ихтисослаштириш ва батафсил баён қилиш;

глобал тармоқ нуқтаи назаридан электрон пулларнинг функционал ресурсларини тадқиқ этиш ва уларнинг батафсил таснифини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон тўлов тизимлари

Петербург: Диалектика, 2019. - 1325 с.: ил. - Библиогр. в конце гл. - Предм. указ.: с. 1312-1325. - Пер. изд.: Economics / P. A. Samuelson, W.D. Nordhaus. - 2005. - ISBN 978-5-9909446-9-5; А. А. Арямов, Ю. В. Грачева, С.В. Маликов Цифровые активы: правопонимание и правовое регулирование их оборота: научно-практическое пособие // Москва. Юридическая фирма Контракт, 2019. - 74 с.: ил. - Библиогр.: с. 72-74. - ISBN 978-5-6041897-4-0

⁴ Фулломоов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиёт: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2020 й. – 409 б.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. 348 б.; Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Шарк», 2003. – 400 б.; Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические основы влияния информационно-коммуникационных технологий на развитие национальной экономики. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 178 с.; Ахроров Б.С. Иқтисодиётда ахборот технологиялари. – Т.: «Фан ва технология», 2018. – 316 б.; Аюпов Р.Х. Пути развития электронного бизнеса в Узбекистане. – Т.: Формат полиграф, 2016. – 205 с., Жуковская И.Е. Совершенствование методологии использования информационно-коммуникационных технологий в статистической деятельности в условиях формирования цифровой экономики. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук (DSc). – Ташкент, 2020, –260 с.; Ж.Атаниязов. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2020. – 612 б.; А.Исмаилов. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустахкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш: иқт. фан. доктори илмий дар. олиш учун тайёр. дисс. автореферати. Т., 2016. – 81 б.

ёрдамида нақдсиз тўловларни амалга ошириш ҳолатини таҳлил этиш;

нақдсиз тўлов тизимини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электрон ҳамёнлар орқали амалга ошириладиган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган электрон пуллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети электрон ва рақамли пул шаклидаги пул хосилалари пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши натижасида шаклланадиган замонавий молиявий муносабатлар механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик ва иқтисодий таҳлил, эксперт баҳолаш, ахборотни қайта ишлаш, мантикий таҳлил, ҳисоблаш ва конструктив таҳлил, монографик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мобиль иловалар ёрдамида масофавий молиявий хизматлар кўрсатиш механизми такомиллаштиришнинг электрон ҳамёнларни кенг жорий этиш натижасида хорижий валюталарни конверсия қилиш орқали электрон пул имкониятларидан фойдаланиш таклиф этилган;

электрон пуллар муомаласини фаоллаштиришда рақамли технологиялар асосида хорижий тижорат банклари иштирокени кенгайтириш таклиф этилган;

онлайн харидларни самарали ташкил этиш ва мижозларга янги онлайн депозит турларини таклиф қилишда идентификацияланган хорижий электрон ҳамёнлардан фойдаланишни соддалаштиришнинг йўллари асосланган;

«электрон пуллар – жаҳон валюталаридан бирида ифодаланган ва миллий қонунчиликнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинадиган электрон тўлов воситаси» мазмунидаги муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электрон пуллар ривожланишининг асосий босқичлари аниқланган, электрон ва рақамли пуллар фаолияти соҳасидаги илмий ва назарий қарашлари таснифланган;

валюта операцияларини электрон ҳамёнлар орқали конвертация қилиш механизми ишлаб чиқилган;

тижорат банклари мобил иловаси ёрдамида идентификацияланган электрон ҳамёнлар орқали халқаро пул ўтказмаларининг муқобил механизми ишлаб чиқилган;

қўшимча мижозлар базасини жалб қилиш мақсадида онлайн харид қилиш имкониятини кенгайтириш учун тижорат банклари хорижий провайдер электрон ҳамёнларини (Webmoney, Qiwi) жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалий ёндашувлар ва усуллари расмий манбалардан олинганлиги, электрон пул ва тўловларни шакллантириш соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг таҳлили, айрим меъёрий ҳужжатлари, тегишли органлар ва ташкилотларнинг статистик

маълумотлари ва ҳисоботларнинг ишончлилиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий Банк, тижорат банкларининг маълумотлари, шунингдек бошқа амалий маълумотларнинг таҳлили билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти электрон пул ва тўловлар бўйича махсус, мустақил илмий тадқиқотлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрон пул ва тўловларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан фойдаланиш, қонун ҳужжатларини, шунингдек банк фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган давлат мақсадли дастурларини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда электрон пулларни ривожлантириш истиқболлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

илк марта «электрон пуллар – жаҳон валюталаридан бирида ифодаланган ва миллий қонунчиликнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинадиган электрон тўлов воситаси» муаллифлик ёндашуви Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 августдаги 375-073-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф «Халқаро молия муносабатлари» фани бўйича ўқув қўлланмага киритилган;

валюта операцияларини бир зумда конверсия қилиш учун банкнинг «Миллий» деб номланган мобил иловасида шахсий электрон ҳамёнлардан фойдаланиш механизми орқали валюта операцияларини амалга оширишни янада соддалаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ томонидан амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги АВ-02/7598-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида дастурдан фойдаланувчилар сонини 2020 йилга нисбатан 80 фоизга ошган, 2021 йил 1 май ҳолатига кўра фойдаланувчилар сони 1 246 418 кишини ташкил этган;

халқаро пул ўтказмалари тизимини такомиллаштиришда электрон пуллар муомаласини фаоллаштириш юзасидан рақамли технологиялар асосида хорижий тижорат банклари иштирокини кенгайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ томонидан амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги АВ-02/7598-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкларга миқдорларни масофадан хизмат кўрсатишга ўтказиш ва трансчегаравий ўтказмалар ҳажми 1,5 баробарга ошган;

жисмоний шахслар томонидан Webmoney, Qiwi ва бошқа электрон пул ҳамёнига пул маблағларини ўтказиш имкониятини тақдим этиш орқали

онлайн хизматлар учун тўловларни осонлаштириш йўли билан бир зумда пул ўтказмаларини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ томонидан амалиётга жорий этилган. («Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» АЖнинг 2021 йил 20 майдаги АВ-02/7598-сон маълумотномаси). Натижада 2020 йил давомида электрон ҳамёнлар орқали валюта ўтказмалари ҳажми 5 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 1 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Электрон пуллар моҳиятининг назарий асослари ва унинг жаҳон тўлов тизимидаги ўрни**» деб номланган биринчи бобда электрон пуллар ҳақида илмий-назарий қарашлар келтирилган, электрон тўлов тизимларининг унсурлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, электрон ҳамёнлар амалиётининг ҳуқуқий-меъёрий асослари ўрганилган ва ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи бобида электрон пул билан ўзаро ҳисоб-китоблар амалиётида кенг қўлланиладиган «электрон пул», «рақамли пул», «электрон ҳамён» ва «блокчейн» атамаларининг илмий-назарий асослари ўрганилган, хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари ва фикрларининг қиёсий таҳлили ўтказилган, улар асосида ушбу атамаларнинг муаллифлик таърифлари шакллантирилган.

Электрон пулларнинг талқини Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичи учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳисоб-китоб ва тўлов тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш, пул-кредит орқали тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш ва

рисklarини камайтиришга хизмат қилади. Бундай товар-пул муносабатларининг технологик ва ташкилий хусусиятларининг хилма-хиллиги туфайли электрон пулнинг талқин ва таърифлари ҳам кўп киррали ҳисобланади. Электрон пулларнинг иқтисодий моҳиятини, ҳуқуқий, ашёвий, моддий ёки технологик нуқтаи назаридан таърифлаш мумкин. Агар электрон пулларни уларнинг ашёвий шакли нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, улар «файл» сифатида ўзида намоён этади. Ҳуқуқий нуқтаи назаридан, электрон пуллар эмитентнинг электрон шаклда такдим этувчига нисбатан доимий пул мажбуриятлари ҳисобланади. Уларнинг моддий шакли нуқтаи назаридан электрон пуллар ахборотни ифодалайди. Бироқ, ушбу ишда электрон пул тушунчаси фақат иқтисодий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Электрон пул ўтказмаларида пулнинг мавжудлиги масаласи билан шугулланган иқтисодчилар пуллар оддий жисмоний йўқолишидан «азият чекади» деган хулосага келишди. Т.Курцманнинг сўзларига кўра, пулларнинг моҳияти ўзгарган ва энди бу ашё эмас, балки тизимдир. Шунингдек, пул бу Федерал захира тизими каби юқори жойларда бир-бирига боғланган барча турдаги юз минглаб компьютерлардан ташкил топган тармоқдир.

К.Майстернинг фикрича, электрон тўловлар ҳозирги пайтда янада ривожланиш босқичига чиқди. «Эркин фойдаланиш маҳсулотлари»дан ташқари янги электрон тўловлар линияси - «электрон пул маҳсулотлари» пайдо бўлди. Энг сўнги воқеалар дарҳол «пулни моддийлаштирмаслик жараёнининг кулминацион нуқтаси» сифатида тавсифланган. Шундай қилиб, Конгресс бюджет идораси маълумотларига кўра, электрон пул нафақат пулнинг жисмоний концепциясини, балки пулнинг шартли концепциясини намоён этади, яъни электрон тўловларнинг янги усуллари пул тушунчасини уларнинг жисмоний ва шартли шаклларида фақат онлайн мавжуд бўлган номоддий электрон шаклларига айлантиради.

Яқинда биз электрон пулларни пул сифатида ҳисоблаш мумкинми деган савол билан мурожаат қиладиган иқтисодчилар сонининг кўпайишига гувоҳ бўлдик. А.Бернкопф таъкидлаганидек, электрон пулнинг биринчи самарали келиб чиқиши иқтисодчилар яна фундаментал жиҳатларга қайтиши бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, Н.Филлипс ва М.Андерсон каби кўплаб иқтисодчилар пулни ахборот оқими деб ҳисоблаш керак деган фикрни илгари суришди. Энди пулни тўлов воситаси сифатида таҳлил қилиш пулнинг ахборот оқими эканлигини кўрсатса-да, молия назарияси ва амалиётида пул унинг мукофотланган актив бўлишини талаб қилади.

Т.Смитин, алмашинув воситаларини электрон импульс ва «фоиз келтирадиган актив» деб белгилашига қарамасдан, инновацияларнинг эволюцияси пул назарияси асосларини қайта баҳолашни талаб қилмайди, айирбошлаш воситасининг аниқ шакли жиддий пул муаммоси эмас. Смитиннинг хулосаси ажабланарли эмас, чунки тадқиқотчиларнинг тўлов тизимларида анъанавий қизиқишларини тасдиқлайди ва пул назарияси ва тўлов тизимидаги ўзгаришлар одатда бир-биридан деярли мустақил равишда ўрганилганлигини тасдиқлайди.

Электрон ва рақамли пуллар каби пул ҳосилаларининг анъанавий пул функцияларига қанчалик мос келишини таҳлил қилиш лозим. Таҳлил қилиш учун анъанавий пулнинг учта асосий функцияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Бугунги кунда пул энг мураккаб ва баҳсли иқтисодий воситалардан биридир. Пул ва унинг таркибий қисмларининг хилма-хиллиги ва турли туманлиги тадқиқотчиларнинг иқтисодиётда пулнинг моҳиятини ва унинг иқтисодий жараёнларга таъсирини талқин қилишда, шунингдек, ушбу таъсирларнинг тўғрилаш ва оқилона бошқариш йўналиши ва усулини танлашда мураккаблаштиради.

1-жадвал

Электрон ва рақамли пулларнинг анъанавий пул функцияларига мослиги бўйича таҳлил⁵

Пулнинг функциялари	Электрон пуллар	Рақамли пул
Айирбошлаш функцияси	Электрон пуллар, шубҳасиз, товарлар ва хизматлар алмашинуви воситасидир. Бунга ривожланган мамлакатларда пул массасининг 90 фоизи электрон пул эканлиги ҳақидаги статистика далил сифатида хизмат қилади.	Рақамли пул шунингдек, крипто алмашинувларида айирбошлаш хусусиятига ўз навбатида алмашинув воситаси функциясига ҳам эга.
Ҳисоб-китоб бирлиги	Электрон пуллар - электрон шаклда сақланаётган, нақд пул ҳамда нақдсиз пул суммалари учун муомалага чиқарилган ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов усули сифатида қараладиган қиймат бирликларидир.	Рақамли пулларнинг ўзаро ҳисоб-китоблар ролида ишлатилиши жуда зиддиятли истикболга эга, чунки фақат бир қатор мамлакатларда рақамли пуллар қонуний мақомга эга ва давлат уларни назорат қилмайди, шунинг учун улар вақтинча ҳисоб-китоб воситаларининг ҳар томонлама вазифаларига жавоб бермайди.
Тежамкорлик воситаси	Жамғариш воситаси сифатида электрон пуллар товарлар ва хизматлар сотилгандан сўнг сақланиб қолган ва келажакда унинг эгасини харид қобилияти билан таъминлайдиган махсус актив вазифасини бажаради.	Улар тежаш воситаси сифатида тавсифланиши мумкин, аммо валюта курсларининг чекланган таъминоти ва юқори ўзгарувчанлиги туфайли улар қийматини сақлаб қолишнинг энг ишончли воситаси ҳисобланмайди.

⁵ Жадвал муаллиф томонидан иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган

Аксинча, мазкур ишда тўлов тизимлари билан бошланган пулни таҳлил қилишни таклиф қилади. У асосан икки хил: олдиндан тўлов карталари ва олдиндан тўлов дастурий маҳсулотлари шаклда чиқарилган электрон пуллар эмиссиясини талаб қилувчи тўлов тизимларига қаратилган. Электрон пулнинг фарқли жиҳатларини (улар тўлиқ техник хусусиятларидан келиб чиқади) аниқлагандан сўнг, ушбу ишда пул назарияси тамойиллари учун уларнинг оқибатлари баён этилади.


Бундан ташқари, биз пул қиймати бўлган электрон пулнинг сотиб олиш қобилиятига эга эканлигини тан оламиз, унинг миқдори эмитентга бўлган талабнинг ҳажми билан белгиланади. Электрон пуллар ҳақида гапирганда, улар шартли равишда моддийлаштирилмаган шаклга эга эканлигини тушуниш керак, чунки улар у ёки бу техник қурилмаларсиз ишлай олмайди.

Шундай қилиб, электрон пул – бу олдиндан тўлов асосида чиқарилган, эмитентдан бошқа шахслар томонидан қабул қилинган ва унинг ёрдами билан ҳисоб-китоблар банк тўлов воситаларидан мутлақ ва мажбурий фойдаланишни талаб қилмайдиган моддийлаштирилмаган шаклда сақланадиган сотиб олиш қобилиятига эга бўлган бирликдир.

Электрон пулнинг юқорида келтирилган таърифнинг афзаллиги шундаки, у ички атрибутларини комплекс тарзда ўз ичига олади ва электрон пулларни бошқа муомала воситалари орасида ишончли идентификация қилиш имконини беради. Бундан ташқари, таъриф фақат кредит ташкилотлари томонидан чиқарилган пул қиймати билан чекланмайди, балки, кредит ташкилоти ҳисобланмаган ташкилот томонидан чиқарилган пул қийматини ҳам ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, электрон пул эмитенти турини белгилайдиган хусусияти ташки қўринишга эга, электрон пул моҳиятини белгиламайди ва тушунча таърифига киритилмаслиги керак, аммо тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланиши лозим.


Ушбу мезонни жорий этиш зарурати олдиндан тўланган пул қиймати кредит ташкилотлари ва кредит ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотлар томонидан чиқарилиши мумкинлиги билан боглиқ. Шу билан бирга, иккала ҳолатда ҳам пул қиймати эмитентдан бошқа шахслар томонидан қабул қилиниши мумкин, бу эса ушбу қийматни электрон пул сифатида тан олиш имконини беради. Шу муносабат билан электрон пулларни икки турга бўлиш керак: кредит ташкилотлари томонидан чиқарилган ва кредит ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотлар томонидан чиқарилган. Бундай фарқланиш асосий тавсиф ҳисобланади, чунки у электрон пулнинг у ёки бу турларининг тарқалиши пул массаси миқдorigа таъсири тавсифини белгилайди, шунингдек тегишли ташкилотлар устидан назорат қилишнинг тамойиллари, усул ва воситаларини белгилайди.

Бундан ташқари, аноним ва шахсийлаштирилган тизимларни фарқлаш керак: аноним ҳамёнлар туфайли фойдаланувчилар олдиндан рухсатсиз аноним тўловларни амалга ошириш имкониятига эга. Ўз навбатида, шахсийлаштирилган электрон ҳамёнлар тўғридан-тўғри авторизация ва фойдаланувчи идентификациясини талаб қилади.



1-расм. Даромад гуруҳлари кесимида электрон тўловларни ёки нақдсиз тўлов воситаларидан кўп фойдаланадиган респондентларнинг улуши⁶

Даромад гуруҳлари кесимида респондентларнинг сўровидан фойдаланиб, куйидаги натижалар аниқланди: респондентларнинг ўртача даромади қанчалик юқори бўлса, электрон пул кўпроқ афзал кўрилади.



2-расм. Глобал электрон ҳамён бозори, келгуси йил прогнозлари билан (2017-2023)⁷

⁶ google.doc сўровнома асосида муаллиф томонидан тузилган

⁷ <https://www.statista.com/statistics/617136/digital-population-worldwide/>

Диссертациянинг «Хорижий ва маҳаллий операторлари электрон ҳамён тизимларининг ишлаши таҳлили» деб номланган иккинчи бобида электрон ва рақамли пулларнинг ишлашини таҳлил қилиш, шунингдек, уларни жаҳон пул муомаласига киритиш муаммолари ёритилган, электрон тўловлар сонининг кўпайиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро статистик боғлиқликни ифодалаш учун корреляцион таҳлил ўтказилган.

Электрон ҳамён иловасини ишлаб чиқишнинг батафсил тафсилотларини ўрганишдан олдин электрон ҳамённинг турли хил тоифаларини кўриб чиқайлик:

1. Сотувчининг электрон ҳамёни.

Чакана савдогарлар ўз мижозлари учун сотиб олиш ва тўлаш жараёнини соддалаштириш учун ўз электрон ҳамёнларини яратишга киришдилар. Улар ҳатто турли маҳсулотлар учун қўлланиладиган чегирмалар ва купонларни сақлаши мумкин. Бу усул хавфсиз операциялар учун яхши, шунингдек мижознинг жалб қилинганлиги ва садоқатини оширади.

Банклар ва турли молиявий ташкилотлар микротрансакцияларни енгиллаштириш учун ўзларининг электрон ҳамён иловаларини ишлаб чиқишлари мумкин. Бу молиявий ташкилотнинг карта эгалари учун фойдалидир.

3. Карталар учун электрон ҳамёнлар

Фойдаланувчи дебет ёки кредит картаси ушбу иловаларга уланган бўлиши керак. Тўлов уланган дебет ёки кредит картаси билан бу иловалар орқали амалга оширилиши мумкин. Бу энг хавфсиз тўлов усуллари билан бирдир, чунки сиз CVV рақамини ёки тўлов амалга оширгандан кейин ҳисоб маълумотларини киритишингиз шарт эмас. Тўлов сиз электрон ҳамён ҳисобига ўтказган пул миқдори орқали амалга оширилади.

Мобил электрон ҳамён иловаларининг ҳар хил турлари мавжуд. Буни 2-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

2-жадвал


Мобил электрон ҳамён иловалар турлари⁸

Ёпиқ электрон ҳамёнлар:	ушбу турдаги ҳамёнда тўлов фақат ушбу илованинг маҳсулотини харид қилиш учун амалга оширилиши мумкин. Бошқа онлайн тўловларни ёпиқ электрон ҳамёнлар орқали амалга ошириб бўлмайди.
Очиқ электрон ҳамёнлар:	ушбу иловалар барча қурилмаларда ўрнатилиши мумкин ва кўплаб операциялар турли компаниялар билан битта платформа орқали амалга оширилиши мумкин.
QR-код:	шифрланган QR-коди компания томонидан булутда сақланади. Фойдаланувчи тўловни амалга ошириш учун кодни сканерлаши керак.

⁸ Черкасов, М.Ю. Перспективы развития электронных денег в современной рыночной экономике / М.Ю.Черкасов // Форсайт «Россия»: новое индустриальное общество. Будущее. 2019. С. 215-222.

Ўзбекистон Республикасида рақамли банкингни ривожлантириш концепциясига мувофиқ Марказий Банк айрим тижорат банклари билан ҳамкорликда махсус QR-коди асосида «QR-online» кўп функционал тўлов хизматини ишлаб чиқди ва ишга туширди.

QR-коди ёрдамида тўлов «оддий» QR-коди билан бир хил ишлайди, фарқи шундаки, фойдаланувчи кодни текширади ва уни онлайн тўлов шаклига ўтказди. Аслида, у POS-терминали каби ишлайди – мижозлар ўз смартфонларидан фойдаланиб кодни сканерлашади ва жойида тўловни амалга оширадилар.



3-расм. QR-online тизимида рўйхатдан ўтган мижозлар сони ва улар томонидан амалга оширилган транзакциялар ҳажми⁹


QR коди «Тезкор жавоб коди» деган маънони англатади, бу код квадрат панжарада жойлашган штрих-кодлар ёки квадратларнинг пикселли нақшини ўз ичига олади. Коднинг ҳар бир қисми маълумотни ўз ичига олади. Бу маълумотлар савдогар тафсилотлари, транзакция тафсилотлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Тўловларни амалга ошириш учун мобил қурилмангиз билан QR кодни сканерлашингиз керак.

Аmmo бу атамани контактсиз тўловлар билан аралаштириб юборманг. Ушбу тўловлар RFID ва NFT технологиялари ёрдамида амалга оширилади. Мижоз тўлов терминали ёнидаги тўлов қурилмаси ёки картани босиши ёки кўрсатиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотларига кўра, 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда пул массаси 116 трлн. сўмни ташкил этди.

⁹ <https://cbu.uz> сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Муомаладаги нақд пуллар 26 трлн. сўмни, нақд пул маблагларининг пул массасидаги улуши эса 22 фоизни ташкил этган (4-расм). Ушбу статистикага асосланиб, 01.11.2019 электрон пуллар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан нақдсиз тўловларнинг улуши мутаносиб равишда ошган деган хулосага келиш мумкин.



4-расм. Пул массаси таркибида нақд пулнинг улуши (2019-2021 йй., трлн.сўм)¹⁰

2018 йил апрел ойида жорий этилган мобил иловалар орқали жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш учун банк хизмати (онлайн версияси) аҳоли орасида жуда машхур бўлди. Чет эл валютасини масофадан сотиб олиш учун фақат маҳаллий банкда очилган халқаро тўлов картаси, шунингдек, тегишли банк иловасини юклаб олиш имконини берувчи смартфон бўлиши керак.

Банкка ташриф буюриш зарурати йўқлиги ва уни туну-кун ишлатиш мумкинлиги туфайли ушбу хизмат валюта айирбошлаш операцияларидан фойдаланиш миқёсини ошириш имконини берди (3-жадвал).

2018 йил ва 2019 йилнинг 4 ой давр мобайнида жисмоний шахслар 1,2 млрд. АҚШ долл.дан ортиқ бўлган чет эл валютасини сотиб олдилар, улардан 432,3 млн. долл. ёки 36 фоизни онлайн конверсияга тўғри келди. Умуман олганда, 2018 йил апрелдан шу йилнинг апрелигача, онлайн

¹⁰ <https://cbu.uz>. сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

конверсиянинг ойлик улуши 9 фоиздан 63 фоизгача ошди. Шу билан бирга, 2019 йил январдан бошлаб жами сотиб олиш ҳажмида онлайн конверсия улушининг кескин ўсиши кузатилган.

3-жадвал

**2021 йил 1 ноябрь ҳолатига масофавий банк тизимларидан
фойдаланувчилар сони¹¹**

№	Банк	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	ТИФ Миллий Банки	73701	1306292	1379993
2	Ўзсаноатқурилишбанк	46552	2356254	2402806
3	Агробанк	170887	2905242	3076129
4	Ипотека-банк	129505	1722939	1852444
5	Микрокредитбанк	57655	744132	801787
6	Халқ банки	52599	2803273	2855872
7	Савдогарбанк	8621	77411	86032
8	ҚҚБ	24268	345727	369995
9	Туронбанк	27833	230424	258257
10	Hamkorbank	93106	1168947	1262053
11	Асака банк	31608	906009	937617
12	Ипак йўли банк	36285	942399	978684
13	Ziraat bank Uzbekistan	2281	29959	32240
14	Трастбанк	31907	159576	191483
15	Алоқабанк	22517	540285	562802
Жами		809325	16238869	17048194


Чет эл валютасини масофадан сотиб олиш учун:

- сўмдаги банк картаси;
- халқаро тўлов картаси;
- карта ҳисобида конвертация учун тайёрланган миқдорда пул маблағларининг мавжудлиги;
- тегишли хизматни тақдим этадиган банкнинг мобил иловаси ўрнатилган смартфон бўлиши лозим.

Янги хизматга талаб ўсишининг асосий омиллари:

- банкка ташриф буюришга ҳожат йўқ;
- хизматдан туну-кун фойдаланиш имконияти мавжудлиги.

¹¹ <https://cbu.uz>. сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



5-расм. Жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш динамикаси¹²

COVID 19 пандемияси даврида валюта операцияларини эркинлаштиришни янада такомиллаштириш мақсадида «Золотая корона» хизмати орқали пул ўтказмаларини олишда валюта операцияларини бир зумда конвертация қилиш учун тижорат банкларининг мобил иловасида шахсий валюта ҳамёнларидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилиши керак. Бу, ўз навбатида:

Биринчидан: тижорат банкининг масофавий хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш.

Иккинчидан: бошқа тижорат банкларининг банк карталаридан фойдаланувчилар учун комиссия ҳисобидан кўшимча маблағларни жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида электрон пуллар тўғрисидаги қонуни 2019 йилда қабул қилинганлиги ва бу соҳа энди ривожлана бошлаганлиги сабабли Ўзбекистонда электрон ҳамёнларнинг санокли турлари мавжуд. 4-жадвалда Ўзбекистон Республикасида ҳали ишламаётган Pay Pal электрон ҳамён тизимини ҳисобга олмаганда МДХ ҳудудида машҳур электрон ҳамёнлар келтирилган.

¹² <https://cbu.uz>. сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Электрон хамёнлар хақида умумий маълумотлар ва уларнинг асосий хусусиятлари¹³

Электрон хамён номи	Мулти валютл илиги	Банк картаси (Visa/MasterCard)ни хамёнига улаш	Комиссиясиз тўлдириш имконияти	Uzcard ёки Visa банк картасига ўтказиш учун комиссия	Бошқа электрон хамёнга ўтказиш имконияти
Web Money	+	+ (WMY)	-	0.8% дан бошлаб	-
QIWI	+	+	+	1.6% (камида. 14600 сўм.)	+ (WMга)
Яндекс. Деньги	-	-	+	миқдордан 3% + 6500 сўм	-
Oson	+	-	0-5%	ўтказма суммасининг 4% гача ундирилади	-
Click	-	-	-	-	+
Woopay	-	-	+	3% камида 2500 сўм	+
Alif.mobi	-	-	+	-	-


Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида электрон пулларни ривожлантириш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида тижорат банклари томонидан электрон хамёнларни жорий этиш орқали электрон тўловлардан фойдаланиш, илгор хорижий давлатларнинг идентификацияланган электрон хамёнларини очиш орқали масофавий банк хизматларини кўрсатишни кенгайтириш имконияти ёритиб берилган.

Шуни таъкидлаш керакки, анъанавий банк маҳсулотлари улар билан ишлаш чогида жуда мураккаб бўлиши мумкин. Аксинча, рақамли ва мобил молиявий хизматлардан фойдаланиш ва сотиб олиш жуда қулайдир, бу ҳам мижозлар, ҳам корхоналар учун ишлаш режимини осонлаштиради.

Банклар тегишли банк филиалига бормасдан, ўз смартфонидан тўғридан-тўғри молиявий операцияларни амалга ошириш учун интернет-банкнинг иловаларидан рўйхатдан ўтиш имконини беради. NEFT (маблагларнинг миллий электрон узатиш тизими), IMPS (бевосита тўлов хизматлари) ва ҳатто RTGS (реал вақтида ялпи тўловлар) орқали коммунал тўловлари учун зарур ҳисобларга тўлашдан тортиб, то бир зумда пул ўтказишда қулай шаклга айланди. Сиз, фойдаланувчи сифатида, муайян банк транзакциялари бўйича чекловларга қараб, «п» транзакцияларини амалга оширишингиз мумкин¹⁴.

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁴ Джабраилова, М.А. Перспективы развития электронных денег / М.А.Джабраилова // Научное сообщество студентов. Междисциплинарные исследования. 2020. С. 164-167.



6-расм. 2014-2024 йилларда интернет орқали чакана савдо ҳажми(прогноزلар билан)¹⁵

Шунга қарамай, иловада шахсий электрон ҳамёнларни очиш фойдаланувчилар ва мижозларга фоизсиз равишда сўмдаги жамғармаларини хорижий валютага зудлик билан айлантириш, шунингдек, банкнинг мобил иловаси фойдаланувчилари сонини ошириш имкониятини беради. Ягона шарт – электрон банкнинг ва электрон ҳамён хизматларидан тўлиқ фойдаланиш учун ушбу банкнинг банк картасини мажбурий очиш бўлади.

Кейинчалик, бу карта билан, интернет-банк ва мобил иловаси орқали қулай вақтда белгиланган курси бўйича интернетга кириш имконияти мавжуд бўлган ҳар қандай жойда АҚШ доллари (USD) ва евро (EUR) сотиб олиш мумкин.

Валюта электрон ҳамёнлари интернет-банк ва мобил иловаси ёрдамида евро ёки АҚШ долларини сотиб олиш, сотиш ва сақлаш имконини беради. Нақд пул олгунга ёки сўмга алмаштиргунга қадар валюта ҳамёнда бўлади.

COVID 19 пандемияси банк томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг асосий қисмини масофавий хизматга ўтказиш зарурлигини кўрсатди. Шу муносабат билан пул ўтказмаларини оддийроқ ва фойдалироқ тарзда қабул қилиш таклифи ишлаб чиқилди. Мобил иловадан фойдаланувчилар исталган қулай вақтда Россия Федерациясидан миллий валютада тўғридан-тўғри электрон ҳамён, UzCard ёки HUMO картасига пул олиш имкониятига эга бўладилар (7-расм).

Электрон ҳамёнга пул ўтказиш имконияти 24/7 режимида вақтдан ютиш устуворлигини беради.

¹⁵ <https://www.statista.com/> сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

